

ЎЗБЕКИСТОН
JOURNALIST ASSOCIATION
1992 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
6 февраль
ШАНБА
№ 10
(12.230)

1928 йил 11 декабрда асос солинган Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси www.th.uz

ЭПЧИЛ ФЕРМЕР ҚИШДА ҲАМ ТИНМАЙДИ

Талбиркор Мендеш Сержонов 2003 йилда Қуйинчирчиқ туманидаги "Сирғали" фермер хўжалигини ташкил этганида 46 аъзо билан иш бошлаган эди. Бугунги кунга келиб у тумандаги энг йирик ва кўптармоқчи хўжаликлардан бирига айланган. Аъзолар сони 96 кишига етди. Йил давомида мавсумий ишларга 150 нафар маҳаллий аҳоли ёлланади.

Фермер хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чўқчачилик фермасида 2800 бош атрофида чўқча парвариши қилиниб, ҳар ойда 10 тоннага яқин гўшт етиштирилмоқда.

Иссиқхона хўжалиги бир гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда асосан "Буран" нави помидор парваришланиб, 70 тоннадан зиёд ҳосил олинаётди.

Кейинги йилларда паррандачилик тармоғи, айниқса, кенг ривожланди. Ҳозир 32 мингта парранда бройлер усулида боқиладиган цех барқарор ишлаб турибди. Бўстонлиқ туманидаги "Олтин қанот" чет эл хусусий корхонасидан келтирилаётган бир кунлик жўжалар 40-45 кун ичида ўртача бир килограмм вазнга етказилиб, савдо шохбчаларига ойига 25 тонна парҳез гўшт етказиб берилади.

Ўтган йили фермер хўжалиги 724 миллион сўм даромад, шу жумладан, 126 миллион сўм соф фойда олди.


Келажақда ўзимиз етиштираётган маҳсулотлар қайта ишланадиган цехлар очиш ниятимиз бор, — дейди Мендеш Сержонов. — Бунинг учун маҳсулот етиштиришни кўпайтириб боришимиз лозим. Шу мақсадда туҳум етиштиришга мўлжаллаб 50 мингта товуқ боқиладиган паррандахона қураямиз. Уни мустақиллик байрамигача битказишни мўлжаллаганмиз. Шунда яна 30 киши ишли бўлиб, ойига бир миллион донга етиштирилади.

СУРАТДА: (чапдан) иссиқхона ҳосилоти Абдулмажид Муталиев, ишчилар Элмурод Урмонов ва Матлуба Ҳошимова терим пайтида.

Даврон АХМАД олган сурат.



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» V МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янги ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

Ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуетка ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирландилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуетка ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирландилар. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзуда энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзуда энг яхши таҳлилий материал учун;
- "Баркамол авлод йили"га бағишланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзуда энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- энг яхши матбуот хизмати;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг

Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материал учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар буйича ғолиблар диплом, статуетка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирландилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение буйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай қурлишида бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшитиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим. Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2010 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.journalist.uz

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Биз халқимиз неча-неча асрлар орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон замонларга етиб келдик. Аммо давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳушёрлик ва сезgirlримизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.

ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ СЎЗ

— Сир эмас, дунёдаги зўравон ва таъовузкор кучлар мустақил тараққиёт йўлимизга қўяётган ғовлар нихоятда хилма хил, — деди "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Акмал Умаралиев. — Шу боис мустақиллик йилларида халқимиз ўзligини англаши, ўз миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шаклланган дунёқарашга эга бўлган, мустақкам иродали, она-Ватанимизга садоқатли янги авлодни камол топтириш учун изчил иш олиб боришмоқда.

— Миллий ғоя, мустақиллик мафкурасининг тарғиботи бу борада

етақчи ўринни эгаллайди, албатта. Маънавият тарғиботчиларининг айна шу доирадаги фаолиятлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Маълумки, республика Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорligини ошириш тўғрисида"ги Қарори тарғиботчиларнинг барча қатламлари — олим, мутахассис, ижодкор зиёлилар фаолиятини жонлантириб юборди, тарғибот ишида изчилликини кучайтирди, унинг таъсирчанлигини оширди.

(Давоми 2-бетда).

УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТИ

УҚУВСИЗ РАИСНИ КИМ САЙЛАГАН?

Ангрен шаҳридаги "Ангрен фидойиси", "Дилқушод", "Ангрен ифтихори" каби хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти қоникарсиз. Уларнинг қунаалик ишида қатор камчилик ва нуқсонлар кузатишмоқда.

Бу маълумот шаҳардаги 18-умумтаълим мактабида бўлиб ўтаётган "Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида тураржойни сақлашни режалаштириш ва молиявий бошқариш" мавзусидаги семинарда айтиб ўтилди.

Семинар Ангрен шаҳар ҳокимлиги, вилоят ва шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаларининг ташаббуси билан "Келажақ шаҳри ривожини" консалтинг маркази ҳамда Москвадаги шаҳар иқтисодий фонди томонидан ташкил этилди. Аввалроқ бундай семинарлар вилоятимизнинг Охангарон, Олмалик, Чирчик, Бекобод шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ ва Зангиота туманларида бўлиб ўтган эди. Навбатдаги семинарга Ангрендаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раислари ҳамда вакиллари тақлиф этилди. Бундан қўзланган асосий мақсад — хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раисларига улар фаолиятининг қонуний асослари, бошқаруви мақсад ва вазифалари тўғрисида тўлиқ тушунча бе-



Вилоят ҲАЁТИ

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ЯНГИ ИЛМ МАСКАНИ

Дўнгқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 36-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Киска муддатда барпо этилган мазкур илм масканида қурилиш-таъмирлаш ишларини "Бекжон Мирзо-ота" қурилиш ташкилоти бунёдкорлари амалга оширди. — Мактабимизда 216 ўқувчи замон талаблари асосида таълим олиши учун барча шароит яратилди, — дейди мактаб директори Шарофат Азизова. — Мактабимизнинг янги биноси 90 ўринли мажлислар зали, ошхона, спорт зали ва 45 синфхонани ўз ичига олади. Энди ўқувчиларимизга кенг ва ёруғ синфхоналарда сабоқ берилиши.

ЎЗА.

ОХАНГАРОН ТУМАНИ

ДУРДОНА – «КАМОЛОТ» МАЛИКАСИ

Халқ таълими бўлимига қарашли 12-умумтаълим мактабида спортнинг стол теннис бўйича "Камолот" маликаси турнирининг туман босқичи ўтказилди. Унда тумандаги 16 та мактабдан 25 нафар қизлар ўзаро беллашдилар. Яқиний натижага кўра, 8-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Дурдона Раимова ғолиб деб топилди. Турнир иштирокчиларига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

"Файзобод" маҳалласида она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, соғом турмуш тарзини тарғиб этиш мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда маҳалла фаоллари, ФХД бўлими ходимлари ҳамда шаҳар саломатлик маркази шифокор ва ҳамширалари қатнашдилар. Сузга чиққанлар яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатлари, турмуш қуришдан олдин ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ШОҲСУПАДА КУЧЛИЛАР

Агротижорат касб-ҳунар коллежида "Ягонасан, муқаддас Ватан" мавзусида спорт тадбири ўтказилди. Унда коллежнинг "Қалқон", "Посбон", "Лочин" жамоалари ўзаро куч си-нашдилар. Турникда тортиш, арқон тортиш, армреслинг шартлари бўйича иқтидорини намоён этган "Қалқон" жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ғолибларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди. Ирода МАКСУД қизи.



Хурида НАЗАРОВА.

СУРАТЛАРДА: иштирокчилар семинар давомида фойдали билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

